

Хабар

25
(718)-son

23-iyun

www.xabar.cc.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2006

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ.

1992-йил martdan chiqa boshlagan

Бу сонда:

2 -бет

БУЮК ИСТИҚЛОЛГА
ЭЪТИҚОД

3 - 5 -бетлар

МЕХР ИЛА СЎЗ
БИТСАМ...

6 -бет

ҲОЗИРЖАВОБ ВА
ТЕЗКОР ГАЗЕТА

7 - 10 -бетлар

Xabar-TV

12 -бет

КОМПЮТЕР
САВОДХОНЛИГИ


13 -бет

ПУЛ ВАСВАСАСИ
ҚУРБОНИ
(Детектив)

14 -бет

НОМИЯЛАР ВА
SHIFOKORLAR YILI
САЛОМАТЛИГИНГИЗ
ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

27 ИЮН — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



Газетамизнинг барча жамоатчи мухбир ва фаол муаллифларини 27 ИЮН — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ билан чин дилдан муборакбод этамиз. Уларга ойлавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, сермахсул ижод тилаймиз. Доимий ҳамкорлигимиз янада ривожланаверсин.

“Хабар” газетаси жамоаси

Интернет
ҳамкорларимиз



— сифат
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

HAFTALIK
XABARLAR

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 июн куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида ўтган Осмода ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида қатнашди ва нутқ сўзлади.**

● **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.**

Қарорда замонвий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келатган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципал янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида қатор вазирликлар, улар қатори Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига ҳам бир қанча вазифалар юклатилганлиги белгиланган.

● **Тошкентда "Замонавий ахборот майдонининг шаклланиши: медиа ҳудудини ташкил этишда ахборот технологиялари, тузилмавий ёндашу ва минтақавий хусусиятларнинг роли" мавзусида халқаро учрашу — давра суҳбати бўлиб ўтди. Учрашу қатнашчилари оммавий ахборот воситалари соҳаси билан боғлиқ учта асосий ниҳат — уларнинг ахборот ишлаб чиқарувчилар сифатидаги фаолияти, оммага таъсири ва ахборотни етказиш воситаси сифатида АКТни ривожлантириш масалаларини кўриб чиқдилар.**

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув марказида вазирликлар, ҳўжалик бирлашмалари, уюшмалар ва корхоналарнинг кадрлар бўйича раҳбарлари учун семинар ташкил этилди.**

Унда корхоналарнинг юқори ва ўрта бўйин кадрлари таркибини тайёрлаш ҳамда корхоналар самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ услубийта ўргатиш масаласи кўриб чиқилди.

● **Ўзбекистон Адлия вазирлигида "Хуқуқий онгдан юксак хуқуқий маданият сари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбирда ютуқлар таҳлил этилиши билан бирга, йўл кўйилаётган айрим камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича фикр алмашилди.**

MUSTAQILLIGIMIZNING 15 YILLIGIGA

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги ҳамда касб байрамимиз — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида кекса журналист сифатида кўнглимдан кечган ўй-андишаларимни баён этишни маъқул кўрдим.

Буюк истиқлолга
Эътиқод

Инсоният тарихида ҳар бир сананинг ўз ўрни, салмоғи бор, албатта. Зеро, истиқлол йиллари халқ тарихидан ҳикоя қилади. 1991 йилнинг 1 сентябри Ўзбекистон тарихида унутилмас воқеа сифатида ўчмас из қолдириши шубҳасиздир. Ота-боболаримиз неча асрлар мобайнида орзу қилган Истиқлол сизу бизнинг давримизда қўлга киритилди. Не бахти, Президентимиз Ислам Каримовнинг мардлиги, жасорати, узоқни кўзлаб иш юритиши туфайли она Ватанимиз бугунги кунда бахтимиз қомуси — Конституцияга, Давлат мадҳияси ва Гербига эга бўлди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Она диёримиз меҳнат аҳлининг қўлга киритаётган зафарлари билан ҳар қанча фахрлансак, ҳар қанча гурурлансак арзийди. Тўғри, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш чоғида айрим қийинчиликларга дуч келинди. Бозор иқтисодиётининг ўтиши даври ҳаммамизни янада фаол ва баҳамжихат иш юритишга даъват этди. Бугунги кунда Ўзбекистонимизда сиёсий барқарорлик, тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувлик сақланиб қолганлиги энг катта ютуғимиздир. 1993 йилда мустақиллигимиз тарихига ёзилмак яна бир унутилмас воқеа юз берди. Юртбо-

шимиз Фармони билан мустақил Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг куни белгиланди. Фармонга мувофиқ, ҳар йили 27 июн матбуот ходимларининг касб байрами сифатида тантанали равишда кенг нишонланмоқда. Бу байрамнинг 27 июнда ўтиши беҳиз эмас, албатта. Бундан 90 йил муқаддам, 1906 йилда Туркистонда "Тараққий" газетасининг биринчи сони босмадан чиқди. Газета ўзининг илк сонларидан бошлабқоқ эрк, ҳуррият, истиқлол ғояларини тараққий этди. Шу билан бирга, рўнома миллатни дунёвий билимларни эгаллашга, жаҳон янгиликларидан хабардор бўлишга, илғор янгиликларни эгаллашга ва шу йўл билан ўз қаддини бошқалар олдида ростлашга, макъеини тиклашга ундади.

Айни пайтда, бу куннинг байрам сифатида нишонланишини аждодларимиз хотирасига чексиз эҳтиром деб баҳоломақ керак. Юртимизда мустақиллик биносини бунёд этиш йўлида гишт қўйган ҳур фикрли узолаб ватандошларимиз хотираси ҳаммиса биз учун азиздир. Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг қўйидаги сўзларини эълантирмоқчиман: "Журналист деганда, халқимиз кўз ўнгига элу юрт қўнми ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрвчи беҳаловат инсон намоен бўла-

ди. Шу боис, одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнги-ларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст-ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар. Фақат ўз касбига садоқатли, доимо эл-юрт манфаати, ўзгалар дарди билан ёниб яшайдиган журналистгина халқ орасида чинакам обрў-этибор қозона олади".

Ҳар бир журналист Президен-

тимизнинг бу сўзларини дилларига жо қилиб, даврининг ўзи олдимизга қўяётган мақсадларга эришиш йўлида куч-ғайрати ва истеъдодини аямай сарфлаб меҳнат қилиши, халқимиз ишончини оқлаши керак.

Ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлганидек, газета-журнал оламида, телевидение ва радио ишида ҳам катта ўзгаришлар рўй бераёттир. Президентимизнинг журналистларнинг касб байрами муносабати билан табрик йўллаши, кўнгида тўзилган истақларни баён этиши анъанага айланиб қолди. Ўзбекистон тарихида илғари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарофли ва масъулиятли вазифа юклатилмаганлигини чўқур англаб, ҳар соҳада ҳозиржавоб бўлишимиз, ҳақиқат машъаласини баланд кўтариб, чархланган ўткир қаламимиз, залворли фикримиз, ақлзаковатимиз билан ўзбек журналистикаси нуфузини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

Мустақил давлатимизнинг ҳозирги янги матбуоти бўм-бўш ерда пайдо бўлиб қолгани йўқ. У ўз услуби, йўналиши бўлган ҳурфикрли ўзбек журналистикаси мактаби асосида пайдо бўлди, кучга тўлди.

1991 йилда республикаимизда 200га яқин газета ва журналлар чоғ этилган бўлса, бугун уларнинг сони 800дан ошиб кетди. Дунёимизда 1100дан ошиб босмаҳона ва 60та нашриёт фаолият қўрсатмоқда. Бу зиё масканларида минглаб ижодкорлар, мутахассислар, ишчи ва хизматчилар қўз нури, қалб қўри, билим

ва ижодини эркин халқи, мустақил она юртига бахшида этиб, фидокорона хизмат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ижодкорлари ҳам республикаимиз ҳаётида содир бўлаётган туб ўзгаришларни, иқтисодий ислохотларни, халқимиз турмуш тарзининг энг янги қирраларини ўз эшитиришларида буй-баста ила намоен этишда интиломоқдалар. Кўрсатувлар мавзуи анча кенгайди, улар қизиқарли бўлиб қолди. Ойнаи жаҳонда янги дастур ва туркум кўрсатувлар пайдо бўлди. Ҳар қуни ҳаво мавжларида ўзбек, рус, тожик, қозоқ тилларида берилётган эшитиришларни жаҳон тингламоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳам сўнгги пайтларда ўз фаолиятини янада яхшилаш йўлида интилаётганлигини, жаҳондаги етакчи ахборот агентликлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаётганлигини эътироф этиш керак.

Юртбошимиз башорат қилиб айтганларидек, Ўзбекистон — келажига буюк давлат. Унинг ўз истиқлол ва тараққийт йўли бор. Бу йўлнинг тўричилигини, бу сиёсатнинг ҳақлигини ўтган 15 йил яққол қўрсатиб турибди. Бизнинг барча орзу-умидларимиз рўёбга чиқишига аминимиз. Фидойи халқимиз қаторида елкама-елка туриб меҳнат қилаётган ижодкорларимиз орзу-умидларимиз ушалишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишларига шубҳа йўқ.

Ижодкор сўзининг қудратига қиёс топиш, баҳо бериш қийин. Ўзбекистон заминида аҳли қалам қадимда ҳам, яқин ўтмишда ҳам ўз сўзи билан халқни руҳлантириб келди. Бугунги кунимизда ҳам унинг оташин сўзи одамлар қалбига малҳам бўлаёттир. Буюк истиқлол ғояларига эътиқод, садоқат, халқимиз маънавий равнақи йўлида астойдил иҳод қилиш, баркамол асарлар яратиш ижодкорларимизнинг ҳаётий маслаҳати бўлиб қолмоғи керак. Давр бизни ана шунга даъват этмоқда.

Зиёд ЕСЕНБОВ,
Ўзбекистонда хизмат
қўрсатган маданият ходими,
"Эл-юрт хурмати"
ордени нишондори

"Халқ сўзи" газетаси,
17 июн, 2006 йил.

HOMIYLAR VA SHIFOKORLAR YILI

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашида Тошкент шаҳридаги соҳа корхона ва ташкилотлари ходимлари, касаба уюшмаси қўмиталарининг раис ҳамда фаоллари иштирокида "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурининг тармоқда бажарилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатини Марказий кенгаш раиси Т.Назаржонов олиб борди ва ўтган беш ой мобайнида бу борада қилинган ишлар ҳақида гапириб берди. Маълумотга қўра, соҳада ушбу йилни муносиб ўтказиш мақсадида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унинг асосий вазифаларидан бири — ҳомийликка муҳтож оилалар ва ходимларни аниқлаш, уларни йил давомида мақсадли моддий-маънавий қўллаб-қувватлашдир. Бундан

ташқари, ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар аниқлаиб, уларнинг рўйхати тузилган. Шу асосда Ҳомийлар ва шифокорлар йили давлат дастурини бажариш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган беш ой ичида 1386та қўл болали ва кам таъминланган оилага — 17,0 млн., 127 нафар ногиронга — 3,0 млн., 83 нафар уруш фахрийсига — 1,5 млн., 321 нафар меҳнат фахрийсига — 7,3 млн., 95 нафар байналмилалчи жангчига — 1,5 млн., 2916 нафар ишалаётган пенсионерга — 27,2 млн. сўм миқдорда моддий ёрдамлар кўрсатилди. Бунинг учун жами 60,0 млн. сўм маблағ сарфланди.

Давра суҳбатини сўз олганлар ўз корхона ва ташкилотларида қатор ишлар олиб борилаётганлигини айтишди. Жумладан, "Ўзбектелеком" АК "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиалида байрамларда пенсионерлар ва кам таъминланган оилаларни бир дастурхон атрофида йиғиб, улардан ҳол-аҳвол сўраш яқин анъанага айланганлиги, ёлғиз яшайдиган бир пенсионер Тошкентдаги республика уруш ва

меҳнат фахрийлари пансионатида жойлаштирилганлиги, у ердаги тўловлар ва яшаш хонасини жиҳозлаш корхона ҳисобидан амалга оширилганлиги ва бошқа шунга ўхшаш қатор ишлар олиб борилаётганлиги таъкидланди. "Ўзинфоком" марказида эса Тошкент шаҳридаги 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларнинг талабалари ўрганилиши, уларга совга-саломлар тақдим этилди. Шунингдек, ТАТУ қошидаги лицей-интернат ўқувчиси ёрдамга муҳтож эканлиги, унга қўмак бериш лозимлиги давра иштирокчиларига ҳавола этилди. Бу ногирон болга амалий ёрдам кўрсатиш тақдирини барча маъқуллади. Давра иштирокчилари бошқа эътиборга лойиқ тақлиф-мулоҳазалар билдиришди.

Қўлдан келганда бир-бирларига қўмак бериш, оғир вазиятларда суянч бўлиш — халқимизнинг азалий одати эканлиги давра суҳбатини эътироф этилди. Бу одатларни ҳеч қачон унутмаслик лозим эканлиги таъкидланди.

Ўз мухбиримиз


Давра суҳбати

27 ИЮН — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Меҳр ила сўз битсам...

Дунёда касбдан кўпи йўқ. Ҳар бир касбнинг, ҳунарнинг ўзига яраша завқи, масъулияти, заҳмати бўлади. Шифокор — беморларни даволайди, бинокор — гўзал шахарлар бунёд этади, ўқитувчи — қалбларга билим нурини сочади... СЎЗ битмоқ, СЎЗ айтмоқ масъулияти эса **ЖУРНАЛИСТ** қисматига битилган.

Яқинда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларининг касб байрамини нишонлайди. Шу баҳона байрам тадбирларида биз, журналистлар, ўзаро мулоқотда бўламиз, фикрлар алмашамиз, бир-биримизга самимий тилақларимизни билдирамиз. Шу кун суҳбат олувчи ҳам, суҳбат берувчи ҳам ўзимиз... Биз — “Хабар”чилар байрам арафасида тахририятларда бўлиб, устоз ҳамкасбларимизга: “Сизнингча, бугунги кун журналисти қандай сифатларга эга бўлиши керак? Бугунги ўзбек журналистикасининг вазифалари нималардан иборат? Журналистикада устоз-шогирд муносабатлари қандай шаклланади? Назария билан амалиёт уйғунлиги ҳақида нима дейсиз? Ижодкорлик билан сўзамолликнинг фарқи нимада? Матбуотда миллий менталитет тамойиллари ифодаланишининг ижобий ва салбий жиҳатлари қандай намоён бўлмоқда? Интернет маълумотларидан тўғри фойдалана оламизми?” каби саволлар билан мурожаат қилдик. Суҳбатдошларимиз ўзларига маъқул келган, юракларини “жиз” эттирган саволларга жавоб беришди.



Ахмаджон МЕЛИБОЕВ,
“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”
газетасининг бош муҳаррири:

Журналистикада ана шундай бир нозик жиҳатлар борки, буни ҳам билиб олишимиз лозим.

Миллий менталитетимизга хос хусусиятлар шундайки, унинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бор. Масалан, баъзи корхона раҳбарлари жуда ҳам яхши ишлайди. Иш натижалари аъло, режаларини ошириб бажарган, лекин шулар ҳақида жар солишни, газетада ёки телевидениеда чиқишни хоҳламайди. Шу корхонага мухбир борса, мен ҳақимда эмас, бу муваффақиятга меҳнати кўп сингган оддий одамлар ҳақида ёзинг, дейди. Бу — менталитетимизга хос бўлган камтарлик. Баъзилар эса қилган ишини икки-уч баравар ошириб, кўпиртириб, ҳатто мухбирларни ўзининг ташаббуси билан жалб қилиб, ишини тезроқ кўрсатишни, газетада, телевидениеда чиқишни, ўзини реклама қилишни хуш кўради. Энди бу — мақтанчоқлигимизнинг бир кўриниши.

Яна бир мисол. Яхши тадбиркор ўзини кўп ҳам ошкор қилмайди. У нималар устидан иш олиб борапти, нималарни ўйлапти, қандай режалари бор — буларни ҳамisha сир тутати, чунки рақобат мавжуд. Савол туғилади: Ҳўш, бундай пайтда матбуот қандай йўл тутуши керак? Менинг фикримча, матбуот куруқ мактовдан қочиши, конкрет иш натижалари ва нималарнинг ҳисобига шунга эришилгани — мана шу томонларга ургу бериши лозим. Камчиликларни ёзганда эса, бир кишининг камчилигини кўрсатиб, уни қоралаб, овоза қилиш эмас, шу камчилик нима учун содир бўляпти, бунинг сабаблари нимада — шу жиҳатларга эътибор қаратса, матбуот

ўзининг вазифасини сидқидилдан бажарган бўлади.

Журналистикамиз ҳозир иккига бўлиниб қолган: ижодий-анъанавий журналистика ва тижорат журналистикаси.

Ижодий-анъанавий журналистика жамият олдида турган вазифалардан келиб чиққан ҳолда фаолият юратади. Тижорий матбуотнинг эса бosh мақсади даромад топиш бўлгандан кейин, ҳамма воситалардан ҳам фойдаланаверади. Буни ушбу нашрларда ёш санъаткорларнинг шахсий ҳаёти бот-бот ёритилаётганлигида ҳам кузатиш мумкин. Ҳозир санъатимизда ташвиш-ли нукта бор — машхурликка интилиш касали. Машхурликка интилиш — урф бўлиб қолди. Ҳолбуки, урф бўлган машхурлик — машхурлик эмас. Масалан, Мазмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Комилжон Отаниёзов кабиларнинг машхурлиги урф эмас, балки ижодларига берилган халқона баҳо эди.

Ҳозирги ёш эстрада хонандаларининг машхурлиги бугунча урф бўлиб турибди. Чунки улар фаолиятининг тағзамини ижодий ўсишга эмас, ўз-ўзини кўз-кўз қилишга қаратилган. Улар энг ёнгил, вақтинчалик йўлдан кетишяпти. Афсус қилинадиган жойи — матбуот уларга мойиллик билдириб, ҳамкорлик қилаяпти. Матбуот бундай қилмаслиги, аксинча, қўшиқчиларимизнинг бу йўли нотўғри эканлигини кўрсатиб бериши керак. Айтилик, клип қилиб, уйини, ошхонасини, томорқасини, машинасини кўрсатишга сарфлаган вақтини яхши бир қўшиқ яратишга сарфласа, санъаткорнинг ўзига фойда бўлиши ҳақидаги тушунчалари улар онгига синдиришимиз зарур.

Шухрат ЖАББОРОВ,
“Халқ сўзи” газетаси бош
муҳаррир ўринбосари:



— Жавобни нафақат бугунги куннинг журналисти, балки умуман “Журналист қандай фазилатларга эга бўлиши керак”, — деган савол атрофида шакллантирсак, тўғрироқ бўлади, деб ўйлайман. Биринчи навбатда, журналист учун энг керакли хислат бу — тезкорлик. Тезкорлик — менинг назаримда, газетхонга, муштарийга энг сўнгги ахборотни, маълумотни, хабарни тез етказиб беришда журналистнинг меҳнатини кўрсатадиган бир шакл. Илгари газеталар чиқаришда мақолани қўлда ёзиб, сўнгра механик машинкада кучириб, уни тахрир қилиб, тайёрлаб бўлгандан кейин босмаҳонада лнотип машинасида кўрғошинда териб, сўнгра хатоларини гранкага солиштириб, тузатиб, саҳифага жойлаштирилар, бу эса жуда машаққатли жараён эди. Ушанда бугунги тадбирни ёки воқеани эртасигаёқ газетанда чоп этиш жуда қийин кечарди.

Ҳозир-чи?

Ҳозир тахририятларда ишлатилаётган компьютерлар худди мана шу тезкорлик талабларига жавоб бера олади. Журналист бугунги куннинг иккинчи ярмида, ҳатто кечкурун бўлган воқеа ҳақидаги хабарни ҳам тезкорлик билан компьютерда тайёрлаб, тўғридан-тўғри газета саҳифасига жойлаштириш имкониятига эга. Тўғри, радио, телевидение ёки кун давомида амал қилиб турган Интернетга нисбатан газеталарда ҳозиржавоблик у қадар юқори даражада бўлмаслиги мумкин. Лекин, менинг ўйлашимча, газеталар ўзига кўпроқ ўқувчини жалб қиламан деса, охириги пайтда рўй берган воқеа-ҳодисаларга муносабат, одамларнинг нуқтаи-назарлари ва қарашларини ҳозиржавоблик билан бериб борса — журналистларнинг ўзини кўрсатадиган имкониятлардан бири шу, деб ҳисоблайман.

Айни пайтда, кўп вақтдан буён айрим газеталарда муштарийларни зериктирадиган, айтиш мумкинки, ўқишга жалб қилмайдиган материаллар пайдо бўлаётди. Лекин биз ана шуларни ўқувчиларга етказиш шаклларини ўйлашимиз, иложи борича газетхонлар эътиборини тортадиган йўллари излаб топишимиз керак, деб ўйлайман. Шулардан биттаси, бу — баҳс шакли. Фикрларни бир-бирига қарши қўйиш, айтилган мулоҳазага турлича қарашларни акс эттириш, ўйлаш, журналистларимиз биргина мана шу шаклнинг ўзида кўпгина диққатга сазовор ишларни амалга оширса бўлади. Нега деганингизда, “Ҳақиқат баҳсларда туғилади”, деган гап бор. Мана шу қарама-қарши фикрларни бир-бирига муқоёса қилиб, таққослаб, тўғри хулосани газетхоннинг ўзи чиқариб олаверади. Айрим ҳамкасбларимиз ножоиз фикрлар чиқиб кетишидан чўчишиб, бу шаклдан ўзларини олиб қочишга ҳаракат қилади. Мен буни беҳуда деб ўйлайман. Гап баҳс асосида тўғри ёки нотўғри гапларнинг айтилиши эмас, пировардида бугунги давримизга мос хулосаларга келишда.

Журналистикада устоз-шогирд масаласи ниҳоятда муҳим. Албатта, бевосита ҳамда билвосита устозлик қилиш бор. Ўзига талабдан шогирд тахририяти журналистлар тайёрлаган мақолаларни яхшилаб ўқиб, синчиклаб кузатса — ўзига кўп нарсани олиши мумкин. Тахририятимизда кўплаб бўлимлар бор. Бўлимлар муҳаррирлари тасаруфларида ишлайдиган мухбирларнинг мақолаларини тахрир қилишди, баъзиларини қайтариб беришди. Қайтариб берилганда ҳам, шунчаки қайтарилмасдан, мақоладаги етишмовчиликлар, камчиликлар кўрсатилади. Мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам бевосита устоз ва шогирдлик жараёнидир. Агар шогирд ёки яқинда иш бошлаган журналист ҳар бир мақоласининг тахрирдан кейинги ҳолатини танқидий ўрганиб чиқиб, ўзига керакли хулоса чиқарса — шунинг ўзи касб машаққатларини энгиш йўлидаги бир кўринишидир.

(Давоми 4 ва 5-бетларда.)

27 ИЮН — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ

Меҳр ила сўз



Гулчехра ЙУЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» газетасининг бўлим бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

— Бугун журналист бўлиш анча қийинроқ. Чунки бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёни тобора кенгайиб бораёпти. Натижада одамларнинг фикрлари, дунёқарашлари, воқеа-ходисаларга муносабатлари ўзгармоқда. Шундай пайтда журналист қандай бўлиши керак? Аслида, нафақат бундай шароитда, балки ҳар доим ҳам журналист уйғоқ, доим ҳаракатда, изланишда бўлиши лозим. Доим элининг, юртининг ташвиши билан, унинг дарди билан ёниб ташши керак. Бундан бошқачасини тасаввур қила олмайдим.

Биз дорилфунунни битирган пайтларда, яъни 70-йилларда ҳатто газеталарнинг мусахихлик бўлимига ишга кириш ҳам жуда қийин бўларди. Саралаб-саралаб олишарди. Бир пайтлар шогирд эдик, бугун устозлик даражасига етиб турибмиз. Тахририятимизга ҳам ёш амалиётчилар келишади. Уларга кўлимиздан келганича устозлик қиламиз, тахрибаларимизни ўргатамиз.

Одатим бор — ёшлар бирор мақолани кўриб беринг, деб олиб келса, ҳар қандай ишмни йиғиштириб, ўша мақола билан шуғулланаман. Агар сал орқага ташласангиз ёки сал совуқонлик қилсангиз, ёшларнинг шашти қайтиб қолиши мумкин. Хуллас, ҳар соҳада бўлгани каби журналистикада ҳам устоз бўлмаса бўлмайди. Тўғри, кейинги пайтларда устоз-шогирд муносабатлари, менимча, анча саёзлашиб қолгандай. Ушбу анъанани тиклаш учун барча қалам ахли биргаликда, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишлари керак. Ёшлар ўқиб-ўрганишдан, изланишдан тўхтамасликлари даркор.

Мамлакатимиз тобора ривожланган давлатлар қаторига кириб бораёпти. Дунё давлатлари биз билан, биз улар билан ҳамкорлик қиляпмиз. Матбуотда миллий менталитетимизга хос бўлган анъаналаримизни, ўрф-одатларимизни ёритиш — бу яхши. Лекин бунинг иккинчи томони ҳам бор. Масалан, андишани олайлик. Унинг керакли жойи ҳам бор, керакмас жойи ҳам. Ўсиб келаётган авлодга ҳадеб андишани рўқач қилиб, уни қил-бун қилма, дейверсақ, у фикрINI айта олмайдиган, кўрқоқ, ожиз одамга айилни қолади. Ҳар қандай шароитда ҳам фарзандларимизга ўз фикрини айтишга имкон беришимиз керак. Тўғри бўлса — қабул қилишимиз, аксинча бўлса — хатосини тушунтиришимиз, йўл-йўриқ кўрсатишимиз лозим. Бирор воқеага нисбатан ўз фикрингизни айта оловчи, айниқса, журналист учун жуда муҳим.

Очилишни айтиш керак, ҳозир айрим раҳбарларимиз, масалан, вазирликлар, уларга тенглаштирилган кўмиталар, компаниялар бошлиқлари журналистларни қабул қилавермайди. Баъзан уларнинг қабулхоналарига кун бўйи телефон қиламиз, қотибалари «Раҳбаримиз жуда банд, сизни қабул қила олмайдим», дея жавоб беришади. Ёки қабулга бориб, соатлаб кутишга тўғри келади. Лекин шундай бўлса-да, журналист ўша эшикка кириш имконини топиши керак, яъни «дарча»ни ўзимиз очиб олишимиз керак. Ўша «дарча»ни очолмасак, биз том маънода журналист бўла олмаимиз.

— Менинг нуқтаи назаримча, «кечаги куннинг», «бугунги куннинг», «эртанги куннинг» журналисти бўлмайди. У қайси «кун»нинг журналисти бўлмасин, энг аввало — ҳалол, ҳолис, ҳақгўй бўлиши керак.

Ана шу учта сифатга эга инсон, у агар ижодкор журналист бўлса, ҳаётдаги ҳамма нарсани — яхшини ҳам, ёмонни ҳам тез пайқаб олади, фикр юритади. Бошқача айтганда, ҳаётда, турмушда ва одамлар тақдирини юз бераётган янгилликларни (ходиса-воқеалар оқимини) ҳаммадан олдин ҳис эта олади. Образли қилиб айтсак, минг киши ўтаётиб кўрмаган нарсани минг биринчи киши, агар у чинакам журналист бўлса, кўради. Газетани (ёки журнални) — маърузасиз дорилфунун дейдиган бўлсак, журналист — шу дорилфунуннинг домулаларидан бири.

Домулла ҳалол, ҳолис ва ҳақгўй бўлсагина, ўз маҳоратини талабага «юктира» олади. Журналист ҳам айна шу уч сифатга эга бўлсагина, ўз тил ҳазинаси-ғанжинаси билан бор маҳоратини, ҳаётий тушунчасини, адолатли хулосасини ўқувчига етказиши мумкин.

Ўша уч сифатга эга журналист қайси кун (кеча, бугун, эрта)нинг журналисти бўлсам, фақат ҳақиқатни, битта ҳақиқатни, ягона ҳақиқатни тан олиши керак.

«...Шогирдларим жуда кўп, журналистикада 40 йил меҳнат қилган бўлсам, қанча-қанчаси кўлимда ишлаб кетган...», деган журналистларнинг талайини кўрдим. Бир гал уларнинг икки-уч нафарини ҳақида очеркхотира ёзиш тўғрисида «юкори»дан буюртма беришиди...

Шундан сўнг улар ишлаган газеталарнинг неча-неча йиллик тахмалларини варақлаб чиқдим. Афсуски,

Интернет — биринчи навбатда, журналист тезкор ахборотлардан хабардор бўлиши учун керак. Чунки журналист дунёда рўй берган энг сўнгги воқеалардан ҳам ўз вақтида хабардор бўлиб бориши шарт. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, Интернет фойдали. Бирок бунинг салбий томони ҳам бор, яъни, бизда бу тармоқдан фойдаланиш оддий кўнирмақашликка айланган бўлган. Бу энди журналист этикасига тўғри келмайди.

Аслида бир журналистнинг мақоласини иккинчи қаламқаш кўчириб, эълон қилиши мумкин эмас. Журналистнинг розилигисиз унинг мақоласини бошқача қилиб, қайта ишлаб чоп этиш, маълумотини ўзлаштириш — фикр ўғирлигидир, бу эса асло мумкин эмас, бу — этиканинг энг кўпол бузилиши.

Интернетдан фойдаланишда мана шундай энг катта бузилишлар бўляпти. Ҳамма ахборот воситалари, айниқса, «сарик матбуот» тўлиқ Интернетдан кўчиради. Ахир, Интернетда ҳамма маълумот ҳам аниқ, тўлиқ, рост бўлавермайди-ку? Маълумотлар, ахборотнинг тўғрилиги қафолатланмаган нарсани ўқувчиларга «мана сизга!», деб тортиқ қилишяпти. Одобсизлик эмасми? Одамлар бундан нимани ўрганади? Нотўғри ахборот тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Ахборот ёки бирон-бир хабарнинг ростлигини ўзи билмай туриб, бошқаларга тақдим этишни асло кечириб бўлмайди!



Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» газетасининг бўлим бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

ўшанда улар «ижоди»дан из ҳам тополмадим. Кошки эди, бирор публицистикаси, очерки, лавҳаси, репортажи, фелетони учраган бўлса... Шунда кўнглимда уларнинг ўтган умрларига ва «кўлларига ишлаб кетган қанча-қанча» шогирдларининг тақдирига ачиндим. Ёзиш кўлингдан келмайди, касбингни ўзгартир дарвор. Бу ўзинга ҳам, халққа ҳам, шогирдинга ҳам фойда...

Айтинг-айтинг, хусусан, журналистикада ана шундай «устоз»лар ёхуд ана шундай шогирдлар бўлмасин. Чунки, журналист 35-40 йил соҳада шунчаки кузатувчи бўлиб юрмаслиги, у ижодкор бўлиши, яъники ўз ижоди билан шогирдларига намуна бўлиши керак. Ана шунда устоз ва шогирд ўртасида муносабат шакллана боради...

Назария билан амалиёт ўртасида уйғунлик бўлмаса, журналистнинг ёзган битиги (мақоласи) қанотсиз қуш — учолмайди, ўқувчига етиб бормайди... Назарий жиҳатдан олган тушунчангиз амалиётда ақл бўлиб ўзини намоеън этмоғи керак. «Ҳар янги тушунча — ақл манзили»,

деб бекорга айтмаганлар. Назария журналистда фикр бўронини кўзгайди, фикр билан ёзилган мақолага одамни ҳайжонга солади. Улар ўрта-сидига уйғунлик самарасига мана шу ўлчовлар кўрсатидан қараш керак, назаримда...

Баъзан «амири маъруф» деган тадбирларга борсангиз, садағанг кетай қориларнинг сўзамоллигини кўриб, «зўр ваъзхон экан», деб тан берасиз. Муқаддас Қуръонни Каримдан, ҳадислардан, ривоятлардан келтириб ўқиган ваъзалари баъзан чиндан ҳам қалбингиз торларини чертиб-чертиб ўтиши табиий. Лекин, билингки, улар ҳозиргина санаб ўтилган манбалардан ўқиган, уққан ва ёд олган парчаларини ўз мантиғига мослаб айтиб бераёпти. Шунинг учун ҳам бўлса керак, кўпична уларни «қори» деймиз. Тан олиш керак, улар сўзамол кишилар, аммо ижодкор эмас...

Ижодкор, хусусан журналист, назаримда, тил маданиятининг гултожи. У луғатларда зикр қилинганидан ҳам кўпроқ сўзларни билиши зарур. Сўз ўйинини, халқ ибораларини, гап тузилишини, замонавий атамаларни ҳаммадан кўпроқ билиши унга ҳам қарз, ҳам фарз...

Устозларимдан бири айтган эдилар: «Халқ ичида юриб, ҳар кун биттадан яхши, янги сўз ўрганиб олсан — бир йилда 360тага етди. 360та «теша тегмаган» сўзни билиб олган киши бир йилда фозил номини олиши мумкин...»

Изоҳга ҳожат бўлмаса керак...

Гулчехра УМАРОВА,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бўлим бошлиғи:



Биз ахборот олишни биламиз, лекин саралашни билмаймиз. Дуч келган нарсани ахборот ўрнида қабул қилаверамиз. Бу — бугунги ўқувчига керакми-йўқми, менталитетимизга тўғри келадими-йўқми, умуман, Шарқона одобга тўғри келадими-йўқми — бу ёғи билан қизиқмаймиз. Демак, Интернетдан нотўғри фойдаланяпмиз.

Матбуотнинг вазифаси — биринчи навбатда онгни тарбиялаш ва шу орқали маънавиятни ўстириш, деб ҳисоблайман. Битта ноҳўя ахборот маънавиятимизга пугур етказиши мумкин.

Ижодкорлик билан сўзамолликнинг фарқи катта. Ҳозир, афсуски, айрим хусусий телерадиоканаллар бошловчилари, баъзи бир нашр вакиллари бунинг фарқига боришмаяпти. Масалан, биз мақолаларни жиддий таҳрир қилиб, «сувени» сиқиқ ташлаб, кейин газетамизда чоп этамиз. Жумлаларни ялтироқликдан, тумтароқликдан ҳалос этамиз. Айрим тижорат йўналишидаги газеталарда берилаётган ҳикояларни ҳатто тушуниб бўлмайди. Аслида бу ҳикоя ҳам эмас, гап бошидаги жумла гап охирига тўғри келмайди. Бу энди — даҳшат!

Хусусий телерадиоканаллар бошловчилари дуч келган сўзни

қўллаб, тартибсиз гапиришади. Бошловчининг сўзларини тинглаб, унинг қайси вилоятдан эканлигини билиб олиш мумкин, чунки ҳар қайтаси ўз шевасини бемалол ишлатаверади. Айниқса, пойтахтимиздаги радиоканалларда Тошкент шеваси устувор. Агар шу нарса радиотелевидениеда давом этаверадиган бўлса, биз фарзандларимизни, кўпол қилиб айтганда, маънан мажруҳ қилиб қўямиз. Чунки етти ёшдан етмиш ёшгача радио эшитилади, телевизор кўради. Эшитилган, кўрилган нарса эсда яхши сақланиб қолади. Телевидениедаги хато ёзувларга ҳам чидаб бўлмайди. Ахир, адабий тилни мезёр қилиб олганмиз-ку! Бунга биринчи навбатда матбуот, телевидение, радио ходимлари риоя қилишлари керак-ку! Мутасадди ташкилотлар бунга жиддий аҳамият бермаса бўлмайди.

ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

битсам...



Абдураззоқ КАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг
ижтимоий ҳаёт ва
ҳуқуқ гуруҳи раҳбари:



— Журналист энг аввало кенг билимли, турли соҳалардан маълум даражада хабардор киши бўлиши керак. Чунки хизмат фаолияти мобайнида исталган соҳадан материал тайёрлашига тўғри келади. Шунда ҳамсуҳбатига берадиган саволи жўяли чиқади.

Матбуот ходими ҳолис ва ҳаққоний бўлмоғи лозим. Шахсий ёки кимларнингдир манфаатини кўлаб, бир томонлама ёзмаслиги керак. Журналист фақат ҳақиқат, ҳақиқат ва яна ҳақиқат учун курашмоғи зарур. Узоқ йиллик иш тажрибамдан шу нарсага амин бўлдимки, одамлар тахририятга адолат истаб, ҳақиқатни юзага чиқаришга ёрдам беришни сўраб келади. Қизиги, улар аввалига маъмурий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа идораларга ҳақиқат излаб боришади. Ишлари ҳал бўлмагач, сўнгги умид дея — журналистларга келишади. Шундай экан, журналист адолатли, ҳақиқатпарвар бўлса, одамларнинг матбуотга бўлган ишончи сўнмайди.

Журналист сўзга масъул ва жасур бўлиши керак. Айтар ва ёзар ҳўзининг маъносини ўзи яхши билсагина, қўллаши лозим. Журналист туфлиснинг пошнаси бошқаларникига нисбатан, рамзий маънода, бир қарич баланд бўлиши керак. Чунки у жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ўзгалардан аввалроқ кўриши даркор.

Ўзбек журналистикаси тарихида ярқ этган журналистлар бўлиб танилган Фитрат, Бехбудий, Мунавварқори сингари атоқли номояндларимиз бор. Уларнинг фаолияти бугунги журналистлар учун ҳам ибратлидир. Уларда миллий менталитетни сақлаб қолишга бўлган интилиш жуда юқори савияда шакланган.

Дунёда кечаётган ахборот хуружлари га қарши туриш ва уларни инкор эта билиш қобилиятини ривожлантириш — бугунги Ўзбек журналистикасининг асосини ташкил этмоғи зарур. Халқнинг ўзлиги билан фахрланиш хиссини кучайтирмоқ эса журналист меҳнатининг маъзига айланмоғи керак. Ана шуларни ўзида мужассам этган ўзбек журналистикаси ҳам давлатни, ҳам халқни иқтисодий ўқсалтиришда пойдевор вази фасини ўтайди. Зеро, ўз-ўзи билан фахрлана олган халқ ҳеч кимга қарам бўлмайди.

«Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўғралар», деган ибратли мақол бор. Матбуот соҳасида нафақат бошловчи журналист, балки анча тажрибали қаламкаш ҳам доимо кимлардандир ўрганиши керак. Шу маънода, бизнинг соҳамизда

устоз ва шогирд ўртасида ёш рол ўйнамайди. Ўзи сиздан ёш, лекин иқтидорли, қалами ўткир ҳамкасбингиздан сиз ҳам кўп нарсани ўрганишингиз мумкин.

Устоз шогирдга нафақат мутахассислигини, балки ҳаётнинг паст-баландини ҳам ўргатиши керак. Мен матбуот соҳасида ўз ўрнини топишимда Ўзбекистон халқ ёзувчиси — раҳматли Мирмуҳсин, журналист ва ёзувчи Оқилжон Хусанов, Эргаш Муҳаммад, Баҳодир Аминов каби қалам соҳибларидан миннатдорман. Ўз ўрнида, ўзим ҳам журналистика соҳасида ўрганганларимни, ҳаётий тажрибаларимни шогирдларимга ўргатдим ва ўргатайман.

Айни пайтда Интернет дунёнинг турли нуқталарига, турфа соҳаларга, бир сўз билан айтганда, бутун ҳаётимизга сингиб улурди. У бугун ҳеч ким учун янгилик эмас. Халқро тармоқнинг тезкорлиги — унга тез-тез мурожаат этишга мажбур қилмоқда. Аслида, журналист янгиликка интилувчан бўлади. Унинг касб тақозоси ахборотга таянган. Шу маънода бугунги кундаги журналистларимизнинг Интернетдан фойдаланмай илоҳи йўқ. Агар сўнгги йилларда чоп этилаётган газета ёки журналларни варақласангиз, кўрсатув ёхуд эшиттиришларни кузатсангиз, ҳамкасбларимизнинг ушбу тармоқдан олинган маълумотлар асосида чиқиш қилганликларига гувоҳ бўласиз. Лекин шунини назардан қолдирмаслик керакки, Интернетдаги барча ахборотлар ҳам бизнинг менталитетимизга, юритаётган сиёсатимизга тўғри келавермайди. Бу эса журналистдан кенг мулоҳазакорликни, касбий маҳоратни, ўта кучли билимни талаб этади.

Менимча, журналистларнинг, умуман журналистиканинг, алоҳида эътибор берадиган жиҳати — халққа тўғри, ишончли ҳамда ҳаққоний маълумотларни етказиш ҳисобланади. Шундай экан, Интернетдан фойдаланишда, ундан ахборот излашда журналист мана шуларга ижодий ёндошса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун эса қалам аҳли катта масъулиятни ҳис этиши керак.

Парвозлар юксак бўлсин!

Бир куни олдимга бир хорижлик журналист келди. У оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида мендан интервью олмоқчи экан. Рози бўлдим ва «бемалол саволларингизни бераверинг» дедим.

У шундай савол берди:

— Нега сизлар касб байрамингиз куни муаммоларингиз ҳақида гапирмасдан, нуқул ўйин-кулги қиласизлар? Мен бундай жавоб бердим:

— Муаммоларимиз ҳақида бутун йил давомида гаплашамиз, руҳсат беринг, жаноб, ҳеч бўлмаса бир кун ўйин-кулги қилайлик!

У қизариб-бўзариб, дудукланиб қолди. Бошқа саволлари эса пала-партиш бўлди.

Эҳтимол, у бу саволи билан мени мулзам қилмоқчи ва боплаб ўз билганича шарҳламоқчи бўлгандир. Бирок, чамамда, у панд еб қолди.

Шундай, азиз ҳамкасблар, бу кун бизнинг ўйнаб-куладиган кунимиз. Байрамда иғво тошини отиш гаразгүйликдан бошқа нарса эмас. Келинглр, азизлар, бу кунда нафақат ўйнаб-кулайлик, балки ютуқларимиз билан фахрланайлик, жаҳон ахборот оламида ўз ўрнига эга бўлган ўзбек матбуотининг бугунги даражаси ва парвози янада юксак бўлсин, деб, тилак билдирайлик.

Менинг матбуот соҳасида ишлаб келаётганимга 45 йил бўлди. Аввалги ва кейинги даврларнинг гувоҳи сифатида шуни айтмоқчиманки, эркин ижод қилиш имконияти мустақиллик йилларида яратилди. Жумладан, мен журналистикада нималарга эришган




бўлсам, ҳаммаси ана шу даврга тўғри келади. Биз собиқ тузум даврида ишлаб чиқариш хизмат соҳасидан бошқа соҳаларга, хусусан, халқро ҳаёт мавзусига қўл урولмасдик. Бугун мустақил ўзбек матбуотининг халқро шарҳловчиси эканлигидан фахрланамиз.

Ўзларининг тажриба ва маҳоратларини, ўткир қаламлари ва теран фикрларини Ватан шаънини шарафлашга сарфлаётган барча ҳамкасбларимни касб байраминиз билан муборакбод этаман!

Иброҳим НОРМАТОВ,
«Туркистон-пресс» НАА бош
директори ўринбосари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист, халқро
«Олтин қалам» танлови солиби

Ватан ва халқ хизматидамиз



Аввало, барча ҳамкасбларни яқинлашиб келаётган касб байрамлари билан табриклайман. Албатта, байрамларда доимо яхши тилақлар, истаклар айтилади. Шу маънода, мен ҳам барча ҳамкасбларимга сизхат-саломатлик, хонадонларига тинчлик тилайман. Энг асосийси, журналистларимизни, барча қалам аҳлини журъат ва фидойилик тарқ этмасин. Матбуотимиз том маънода тўртинчи ҳокимиятга айланиб, Ватан ва халқ хизматида бўлсин.

Абдумажид АЗИМОВ,
«Моҳият» газетаси бош
муҳаррири



Журналистлар ҳамма жойда ҳозир у нозир...

Журналист сўзи — халқ сўзидир, халқ сўзи эса — ҳақ сўздир!



Ҳозиржавоб ва тезкор газета

“Xabar” газетасининг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бораман. Бу нашр вақт ўтган сари ўз мундарижаси, безаги, қиёфаси, йўналиши, таъбир жоиз бўлса, ўз услуби ва овозига эга бўлиб борапти. Унда рус тилидаги саҳифанинг мавжудлиги эса русийзабон муштарийларнинг ҳам сеvimли наشريга айланиши ва ўз навбатида унинг обуначилари сафининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мен бир нарсага аминман: “Xabar” газетаси — нафақат республикамиз алоқа соҳаси ходимларининг, балки мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига қизиқувчи, адабиёт ва санъат, спорт оламидаги янгиликлардан хабардор бўлишга интилувчи, ўз интеллектуал салоҳияти, зукколиги ва билимдонлигини янада оширишга ички бир эҳтиёж сезадиган барча ҳамюртларимизнинг сеvimли нашридир.

Интернет хабарларининг республикамиздаги энг ҳозиржавоб ва тезкор нашр сифатида “Xabar” газетаси саҳифаларидан ҳам ўрин олаётганидан, жойлардаги турли янгиликлар ҳали “оҳори тўқилмай” муштарийларга ҳавола этилаётганлигидан, бунинг устига, ушбу нашрнинг энг замонавий матбаа уску-

налари-ю, техника воситалари ёрдамида сифатли босилаётганлигидан кўпчилик мамнун.

Ушбу газетанинг мустақиллик даври билан ҳамнафас нашр эканлигининг ўзи эътиборга сазовордир. Бу эса нашрнинг барча ижодий ходимлари, жамоатчи мухбирлари ва фаол муаллифларининг биргаликдаги саъй-ҳаракати самарасидир.

Республикамиздаги бошқа тармоқ газеталарини камситмаган ҳолда шунга айтмоқчиманки, газетанинг саҳифаланиши, полиграфик безатилиши-ю, материалларнинг ранг-баранглигидан тортиб, мавзу доирасининг кенглиги, ижодий ходимлар мушоҳадасининг теранлигини инobatга оладиган бўлсак, ҳозирги пайтда “Xabar” газетаси билан том маънода “беллаша” оладиган

нашрлар республикамизда санокли бўлса керак. Бу — биргина менинг эмас, барча ҳамкасбларим кўнглидаги ўй-фикрлар эканлигига ишончим комил.

Газета саҳифаларида соҳамизнинг ривожланиши йўлида олиб борилаётган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш борасида жонбозлик қилаётган заҳматкаш оддий ишчилар, техник-хизматчилар меҳнати ва ҳаётини ёритиб бориш билан бир қаторда, меҳнат фаолиятида учраб турадиган айрим салбий ҳолатларни ёритиш, юмористик ва сатирик жанрдаги ҳажвий чиқишлар учун ҳам битта саҳифа ажратилишини таклиф қиламан. Шу билан бирга, энг яхши ва қизиқарли лавҳаларни тайёрлаган фотомухбирларни моддий рағбатлантириш, улар ўртасида танловлар уюштириш ва голибларни мунтазам эълон қилиб бориш ҳам сеvimли газетамизнинг ўқилишлиги ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади, деган фикрдаман.

Газета тахририяти ходимларини амбонавий касб байрамлари — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий мурақабод этиб, уларга соҳамизнинг ривожини йўлида олиб бораётган шарафли ишларида ижодий парвозлар тилайман!

Абдуҷаббор АТАМУРАДОВ,
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

ЎТКИР БЎЛСИН ҚАЛАМЛАР...

Ҳар йили журналистлар, қалам аҳли ўзларининг касб байрамини нишонлашади. Бу байрам-шаҳсан мен учун ҳам фахрли кундир. Журналистнинг қуроли — унинг ўткир ва ҳозиржавоб қаламидир. Кунқудрати, ақлининг тарозуси эса виждондир.

Сўнги етти-саккиз йил ичида “Xabar” саҳифасида почта алоқасининг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида вужудга келган муаммолар ва уларнинг ечимлари, шунингдек, ҳамкасбларим ҳаёти ҳақида мақолалар ёзиб, эълон қилганимдан мамнунман.

Мақолаларда кўтарилган муаммоларнинг кўпчилиги ўз ечимини топмаган бўлса ҳам, мен учун шу соҳада қирқ йилдан кўпроқ ишлаб, ўз фикримни эркин баён қилиб келаётганим муҳимдир. Балки, бугун ечимини топмаган муаммолар келгуси авлодлар ҳаётида ўз ечимини топар.

Бугун эса айни байрам кайфияти қаламқаш дўстларимни, умуман барча матбуот хизмати ходимларини тарқатмаслигини тилайман. Зеро, журналист сўзи — халқ сўзидир, халқ сўзи эса — ҳақ сўздир.

Раҳимжон БОЛТАБОВ,
“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қорақалпоқ филиалининг Хўжайли почта алоқаси тармоғи ходими

Эзгу амалларингиз роҳатини кўринг!

“Xabar” газетаси ҳар бир алоқачи учун қадрли. Мен ҳам уни ардоқлайман. Негаки, ТАТУда ва Алоқа лицейида таълим олаётган ўғилларим ҳам газетани сеvim ўқийдилар. Қолаверса, отам — фахрий алоқачи Мамасодиқ Мамаюсупов ҳақида газетани кўп бора ёзилган. Яқинда чиққан “Қалбдаги нур манбаи” сарлавҳали мақола ҳам қатагон сийсати жабрини тортганларнинг фарзандлари — Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси бўлган отам ва онажоним ҳақида. Мен бу юксак даражадаги ҳурмат-эътибор учун газетанинг барча ижодкорларига ўзимнинг ва ота-онамнинг чексиз миннатдорчилигини билдираман. Раҳмат сизларга! Ота-онам “Xabar” журналистларини “Аллоҳ ҳамиша ўз панохида асрасин, эзгу амалларининг роҳатини кўришин”, дея дуо қилишади.

-	Қадрлар иши ва меҳнат қонунчилиги — 3 ой, тезкор — 1,5 ой, якка тартибда (компютер, Интернет ва меҳнат қонунчилиги).		25000		40000
-	Секретарь — Референт (компютер, бошқарув ҳужжатларини тайёрлаш, иш юритиш тактикаси) — 3 ой, тезкор — 1 ой.		25000		40000
II. Компютер технологиялари бўлими (фақат якка тартибда):					
-	Компютерда офис ишлари (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint		15000		25000
-	Муддат — 2 ой. Тезкор — 1 ой ёки 15 кун.				
-	Internet ва e-mail (электрон почта) — 15 кун, тезкор — 4 ой.		15000		25000
-	Photoshop — 8, Corel Draw, 3D Studio Max, AUTO CAD Macromedia Flash MX, PageMaker ва бошқа дастурлар		35000-50000		70000 (ҳар бири)
-	1-2 ой), тезкор — 8-12 кун.				
-	WEB-сайтлар яратиш — 2 ой, тезкор 15 кун.		40000		50000
-	Компютерларни модернизациялаш, йиғини ва дастурларни ўрнатиш — 1 ой. Тезкор — 7-10 кун.		40000		50000
-	Компютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви — 1 ой, тезкор — 7-10 кун.		40000		50000
-	Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0, DELPHI) — 3 ой, тезкор — 1 кун.		60000		80000
III. Тилларни мукаммал ўрганиш бўлими (Фақат кичик гуруҳларда, аудио-видео ашаратуралар ёрдамида):					
-	Инглиз тили (бошловчилар учун) — 4 ой.		12000		15000
-	Инглиз тили (чуқур ўрганиш) — 4 ой.		12000		15000
-	Инглиз тили (олий курси) гаплашув клуби, гид-таржимон — 4 ой.		12000		15000
-	Рус, инглиз тили — 7-10 ёшли ўғил-қизлар учун махсус дастур		12000		15000
-	Рус тили (бошловчилар учун) — 3 ой.		12000		15000
-	Рус тили (давом эттирувчилар учун) — 3 ой.		12000		15000
-	Француз, немис тиллари — 1 йил, тезкор — 6 ой.		12000		15000
IV. Ингит-қизларни ҳаётга профессионал тайёрлаш бўлими (якка тартибда ва кичик гуруҳларда):					
-	Сартонор-стилист, педикюр-маникюр (эркаклар ва аёллар учун) — 4 ой, тезкор — 2 ой.		10000		15000
-	Косметолог-визажист — 2 ой. Олий курси билан, тезкор — 1 ой.		10000		15000
-	Тиббиёт ҳамшираси, массажчи — 4 ой (ўқини поликлиникада олиб борилади), тезкор — 3 ой.		15000		25000
-	Фармацевтика — 4 ой, (ўқини дорихонада олиб борилади), тезкор — 2 ой.		15000		25000
-	Тиқиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардаларни тиқиш — 4 ой, тезкор — 2 ой.		10000		15000
-	Устки астарди кийимларни тиқиш — 2 ой (якка тартибда), тезкор — 1 ой.		15000		25000
-	Тўй ва оқимон кўйлақларни тиқиш — 2 ой (якка тартибда), тезкор — 1 ой.		15000		25000
-	Газламалардан гуллар ясаш — 1 ой (якка тартибда), тезкор — 10 кун.		15000		25000
-	Бисер усулида кашгачи-безакчи — (олий курси) — 2 ой, тезкор — 1 ой.		10000		15000
-	Машинада кашта тиқиш (вышивка) — 2 ой, (якка тартибда), тезкор — 1 ой.		15000		25000
-	Қўлда тўқиш — (олий курси билан биргаликда) кийимлар, буюмлар — 2 ой. Якка тартибда, тезкор — 1 ой.		15000		25000
-	Пазандлик (олий курси билан биргаликда) — (энг замонавий пивширликлар, торғлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, тезкор — 1-1,5 ой.		10000		15000
-	Торғларни олий даражада безатиш санъати — 1 ой.		30000		50000
-	Ўнғур, мыллий ва европа таомлари (40дан ортиқ овқатлар ва салатлар) — 2 ой, тезкор — 1 ой.		10000		15000
-	Заргарлик — 4 ой (заргар томонидан якка тартибда ўргатилади), тезкор — 2 ой ва ҳоказо касб-ҳунарлар...		25000		40000



Дарслар фақат якка тартибда ёки кичик гуруҳларда деярли ҳужжат топширилгангизданок бошланади. Ўқувчилар станциялар, ўқув дастурлари ва қўлланмалари билан таъминланади, мазмуни тушунарли усулларда "Ўстоз-شاگردлик" асосида, қатъий тартиб муҳитида ўргатилади. Бир мазунни ўзлаштирмасдан кейингисига ўтмайди. Натижада амалиётида бемалол ишлаб кета оласиз!
Ўқув вақтининг бул вақтингизга қараб ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари ҳам мавжуд. Ўқув учун фақат паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома талаб қилинади.

Тўғри натижаларига қўра лицензияланган Диплом берилади.
Қабул 9⁰⁰-19⁰⁰ дам олинди кўни - яқинида. Етоҳжона - 1 ойга 15000 сўм.
Манзил: Тошкент шаҳри, 4-Тамар кўчаси, 84-уй. (Автобуслар: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115).
Келиш йўли: Метронинг "Минор", автобусларнинг "Қозоғистон" кинотватри бекати.
Тел.: 135-10-36 (факс), 134-70-69.
Мўлжал: "Қозоғистон" кинотватрининг ўнг томонидаги 84-уй.

SARGUZASHT-DETEKTIV

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда.)

Жейн оёғининг учига кўтарилиб, менинг лабларимдан ўлди-да, йўлга тушди. Қиз бола бўлсам, кўркмаётганига қаранг-а!..

Мен кўчадаги чирок устунига суяниб турганча, уни кузата бошладим. Кўнглим алланедан безовта бўлиб, гимир-гимир бесаранжомланмоқда. Бу

ИЧА ВАСВАСАСИ ҚУРБОНИ



Эдвард ПЕРРИ (АҚШ)

бақалок биринчи кўргандаёқ менга ёкмаганди, илож йўқ энди, Жейн ниятимизни амалга ошириш учун кетди. Мен асабийлаша бошладим.

Кўча хувиллаб ётарди. Кинотеатрнинг олдидаги хайхотдай майдонда фақат Жейн билан анови ланнати семизнинг буй-бастигина кўзга чалинади, холос. Севиклимга кўзи тушган бақалок даст-рўмоли билан афт-башарасини тўтов-сиз артганича унга яқинлашди. Тўғриси айтсам, у худди кон хидини олган акула мисоли хайбат ила Жейнга қараб юрди. Бўлмасам-чи! Тони билан икковимиз панада туриб кузатяпмиз, бу ҳарис сарвоқмат Жейнни кўрди-ю, кий-ка ҳамла қилмоқчи бўлаётган арслондай жонланаб қолди. Ўн олти яшар нави-хал киз, ярим тунда, кинотеатр олдида, ёлғиз... бундан ҳам қўлай пайт келиши мумкинми, ахир?! Улар бир неча дақиқа кўча юзида гаплашиб туришди. Шу орада Бақалок Жейннинг кўйлагиними, бел-ниними ушлаб кўргандай бўлди, қўлини югуртириб олди. Жоним чиқиб кетди, қани ҳозир югуриб борсам-у, ичак-ча-воғини калласига кўндирсам!..

— Қизишма, қизишма! Ҳали вақт бор, шошмагин! — пичирларди Тони пиджагимнинг ёнғидан тортичанча. Шундаги-на мен Бақалокни бўралашиб сўкаётганими сезиб қолдим.

Бақалок эса ҳаддидан ошиб кетди: у Жейннинг белидан кучди-да, кўчанинг нариги чеккасидаги қоронғиликка ўзи бошлаб кетди! Менинг миттигина соҳибжамолим оёғи ерга тегар-тегмасдан, етти ёт бегона одамнинг кучоғида худди қопконга тушган охудай пилдириб кетмоқда! Бечора, юраги ёғрилиб, ҳозир ўзини ташлаб юборайди-ёв...

— Чоддик, Тони! — дедим панадан чиқмоқчи бўлиб.

— Шошма, э ҳали вақтимас, нима, ҳаммасини барбод қилмоқчимсан? Бир-бири билан энди аномлашаётгандир?!

Мен ноилоҳ яна бўралашиб сўкина бошладим. Афтидан, Тони ҳақ энди, салгина кутуш керак. Агар Бақалок бизларни вақтидан илгари сезиб қолса, қочиб кетиши ҳеч гап эмас. Мен муштимни қаттиқ қисганимча, иложсизликдан ўзимни зўрга тутиб турибман. Қани энди, учиб борсам-у...

Жейн билан Бақалок қоронғиликда кўздан йўқолди.

— Қани, менинг изимдан олға! — деди Тони. У гапини иккинчи марта такрорла-масданок, мен чоғиб, кўчани нариги юзига отилдим. Учиб бораёпман-у, сониялар йилларга чўзилиб кетгандай эди.

Худди шу пайтда кўчанинг нариги томонидан полиция машинисининг чинкириги эшитилди-да, олдимизни кесиб ўтган машинадан икки фиръавн! чиқиб келди. — Тўхтаглар! — буйруқ берди улардан бири. — қимирласанглар, отиб ташлайман!

Тони икковимиз тўхтаб қолдик.

— Нима гап ўзи? — сўради Тони. — Нима гапланини ҳозир биласан, йигитча! Девор томонга ўт-да, қўлинг-ни бошинга қўй! Тез бўл! — усти-устига буйруқ ёғдирди улар.

— Мистер, ахир...

— Жим, дедим! Деворга ўгирил!

Буйруққа бўйсунушдан бошқа иложимиз қолмаган эди. Биз кўчани қайта кесиб ўтиб, кинотеатр деворига қўл тираб турдик. Фиръавнларнинг бири ёнимга келди-да, мени бошдан-оёқ тинтиб чиқди. Табиийки, ҳеч нарса тополмади.

— Қардан келяпсанлар? — удагай-

лади овоз.

— Кинога кирган эдик. Ҳозиргина чикдик.

— Наҳотки?

— Ҳа-да! Нима, кинога кириш мумкин эмасми?

— Шеригиниям тинтиб кўр-чи! — деди иккинчи фиръавн. — Балки ундан нимадир чиқиб қолар?

— Ундаям ҳеч бало йўқ, Нима дейсан, олиб кетаверамизми ё қўйворамизми?

Бирданига лоҳаслашиб, ҳушимни йўқотаётгандай сездим ўзимни. Тиз-замдан пасти худди кесиб ташлангандай, гўё йиқилиб тушмаслик учун деворга суяниб тургандай эдим. Мен ўзим шу пайтгача фиръавнлардан кўрққан эмасман. Узимга яраша кучим ҳам, буй-бастим ҳам бор. Лекин ҳозирги ахвол-лим бошқача — хаёлим ҳали-ҳамон қоронғиликка кириб кетган Жейнда. Нима қилапти, бечора киз? Танимаган-билмаган бир баҳайбат ит менинг қизимни ечинтириб... Ие, булар ҳали бизни олиб кетса, унда нима қиламан? Камида икки-уч чақирим ерга бориб қайтишимиз керак бўлади, унғача...

— Менга қаранг, мистер, ишонинг, ҳозиргина кинодан чикдик, ахир! Рост айтаяман!

Уста-уст буйруқ ёғдириб турган фиръавн сал ўйланаб қолди-да:

— Сен анови йигитча билан кинотеатрга кириб, сўраб чик, — деди шеригига, — бил, қани, кино қачон тугаган экан.

Шериги Тонининг билагидан тутиб, кинотеатр томон судраб олиб кетди. Мен йиғлағудай бўлиб, девор суяб турибман.

Мен билан қолган фиръавн сигарета тутатиб чека бошлади. У ҳеч қаерга шошаётгани йўқ. Бемалол, бамайихор-ти турибди. Шошимлай мени бошдан-оёқ кузатиб чикди, сўнг:

— Сен негадир безовталаняпсан-а, йигитча, нима гап, тинчликми? — деди.

Мен илжаймоқчи бўлдим, аммо келиштиролмадим.

— Ҳаммаси жойида. Жойида-ку, шундай эмасми?

— Мен сендан сўраяпман, тинчликми, деяпман?!

Мен хо-халаб қулиб юбордим (қуляпманми, йиғлаяпманми?). Қаранг-а, тинчликми эмиш, нима гап эмиш. Албатта, ҳамма нарса жойида бўларди, агар... Агар кинодан чиқиб, кетимизни қисиб тўппа-тўғри уйга кетаверганимизда, агар олдимизда анови бақалок киши пайдо бўлмаганида — албатта

тинчлик бўларди-я... Мен беихтиёр қоронғилик томонга қарадим. У томонларни зулмат босган, сукунат. Бечора Жейнга қийин бўлади-да. Қийин ҳам гапми? Тирикмикан ишқилиб?..

Мен ўзимни хотиржам кўрсатиш мақсадида фиръавнни гапга солдим.

— Кимни излаяпсизлар ўзи?

— Қўшни даҳада дўконга тушганларни, кассани ўмаришибди-ю, "қуён" бўлишибди.

— Биз эса ҳозиргина кинодан чикдик.

Фиръавн лабларидаги сигаретани ўйнатди:

— Кинодамидинг ёки йўқми, ҳозир биламиз-да, жўра...

Нигоҳим яна қоронғилик томонга окди, ҳозиргина ланнати Бақалок шу ёққа Жейнни судраб кетган эди-я. Пешонамини муздай тер қоплади. Жейн, эҳ, Жейн, мен галварсони кечир!.. Бармоқларим оғриб кетгунча кинотеатр деворини тирнай бошладим.

Шу пайт тўсатдан Бақалок қоронғиликдан чиқиб, кўча юзида пайдо бўлди. У кўча ўртасида бир неча сония беҳаракат туриб қолди, сўнг ўзи чиқиб келган қоронғиликка тикилди. Нимандидир йўл четига улоқтириб юборди. Фиръавн ҳеч нарсани кўрмадиям, пайкаманиям. Бақалок бурилди-да, бизга тескари томонга тез-тез юриб кетди.

Томоғим қуриб қолган эди. Нимандир демоқчи бўламан, аммо дамим чикмайди. Бақалокни кўздан қўйиб бўлгунча кузатиб турдим. Шу пайт Тони билан иккинчи полициячи етиб келди.

— Булар ҳақиқатан ҳам кинодан чиққан экан. Кассир аёл таниди.

— Бўпти, азаматлар, бугунча озод-сизлар. Қани, уй-уйга жўнанглар-чи...

Фиръавнлар машинага ўтирди-ю, қий-қийқ чинқиртирганича жўнаб кетишди. Мен уларни эшитмадим. Кўчани кесиб ўтиб, қоронғиликка учиб кетдим. Изимдан Тони югуриб келарди. Бир пайт у кичкириб юборгандай бўлди. Унга кўз қиримни ташладим-у, даҳшатдан тўхтаб қолдим — Тони боя Бақалок йўл четига улоқтирган нарсани ердан кўтарди. Бу — пичоқ бўлиб, икки юзида қон қотиб қолган эди. Тони икковимиз бир-биримизга қараб, бақрайиб қолдик. Мен қусиб юборгудай бўлиб, ўзимни зўрга тутиб турардим. Қоронғиликка кирсақ бас — у ерда нимага дуч келишимиз менга маълум эди...

Музаффар АҲМАД таржимаси

Василий ШУКШИН
рус адаби

Шуни ёдингда тут

Зиёли одам ким? Зиёли одам — чуқур билимли, виждонли одамдир. Мен зиёлиликни ана шундай тушунаман. Зиёли одам — сабртоқатли, мулоҳазали бўлади албатта. Яна, инсоний одоб-иқром, маданият, атрофдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳам зиёли одамнинг асосий белгиларидан ҳисобланади.

Қалб, юрак — ҳар хил ҳолатда бўлиши мумкин: баъзи одамларнинг қалби аллақачонлар ўлган-у, лекин буни ўзи сезмайди, яшайверади. Яъни, ишлайди, нафақага чиқади, ҳаётдан нолимайди, ҳамма нарсаси бут, рисоладагидай.

Аслида-чи?..

Киши атрофидаги гўзалликлардан лаззатлана олмаса, ундан ҳам баттари, умрини арзимagan нарсаларга бағишлаб, бекор ўтказиб юборса — ачинарли, албатта. Турмуш курсанг, фарзанд тарбияланган, машиналар яратсанг, бугдой парваришласанг-у, ана шу меҳнатингдан ўзинг завқланмасанг ёки ўз меҳнатингдagi гўзалликни сезмай ўтиб кетсанг — яшашнинг ҳеч қизиги йўқ...

Хаёл суриш яхши, бу машғулотдан махрум бўлишингни асло хохламайман. Мен фақат бир нарсани билиб қўйишингни истайман: ҳаётда нима-ни қўлама, қўзлаган мақсадингга фақат ақл ва меҳнат билангина эриша оласан.

Орзу — чиройли сўз, жуда ёқимли сўз. Чиройли сўзларни кўп ишлатавериш қувватни кеткизади. Яхшиси, чиройли иш қилишин...

Сўзларда нима айб? Сўзлар — ҳақиқатнинг чопарлари, улар ҳақиқатни баён этишади. Улар мангудирлар.

Ер юзидаги энг асосий кучлар — ақл ва меҳнат. Бу тушунчаларни жудаям оддий нарсалар, деб билиша. Ана шу оддий нарсаларга эришиш учун одамлар умр бўйи интилишади: ақли бўлсам, нимадир яратсам, ўз касбининг устаси бўлиб етишсам; дейди. Ва шу интилишларни туфайли улар обрў-эътиборга, иззатга, тўкин ҳаётга, осовийшталikka эришадилар. Балки сен: "Ҳар қандай ақли ёки меҳнаткаш одам ҳам яхши яшайвермайди-ку", деб эътироз билдирарсан. Албатта, бу тўғри фикр, бунини сезиш ҳам қийин эмас. Лекин шуни унутмаки, ер юзидаги барча мўъжизакор, гўзал обидаларни ақли, истеъдодли, меҳнаткаш одамлар яратганлар. Ҳали инсоният тарихидаги бирорта ҳам палид, фосиқ ёки ярамас одам жамият учун фойдали иш қилмаган. Бунини унутма!

Энди орзу ҳақида... Мен орзу қилиш, хаёл суришининг инсонга фойдаси ҳақида юқорида оз-оз гапириб ўтдим. Бу машғулотни рад қилмайман, лекин мен кўпроқ меҳнатга, яратувчанликка ишонаман. Орзу қилиш ўз йўлига-ю, аммо яхши уста ўз касбини пухта ўрганиб олганидан кейин иш бошласа, орзусидагидан ҳам гўзалроқ буюм ясайдики — бу ҳар қандай орзудан ҳам, хаёлдан ҳам юксак туради.

ёдингда тут, сен ҳали халқинг учун кўп ишлар қилишинг керак.

ЖАВОҲИРБЕК тайёрлади

HOMIYLAR VA SHIFOKORLAR YILI

«УМИД ВА ИШОНЧ» тиббий маркази. шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Шарофиддин НАСРИДДИНОВ билан суҳбат.

— Шарофиддин ака, ёз ойларида турли хил ошқозон-ичак касалликлари учраб туради. Шулардан энг хавфлиси — қорин тифидир. Ушбу хасталик ҳақида гапириб берсангиз?

— Бу касаллик организмга қорин тифи таёқчаси келиб тушиши билан бошланади. Касаллик бир ҳафтадан уч ҳафтагача яширин ҳолда кечади. Бемор ўзида ҳолсизлик сезади, иштаҳаси йўқолади, кейинчалик эса иситмаси чиқа бошлайди. Иситма эрталаб ва кечқурун жуда баланд бўлади. Бунинг натижасида беморда алаҳирават, қувватсизлик кузатилади. Афсуски, бу пайтда беморга ҳеч қандай иситма туширувчи дори ёрдам бермайди.

Бундай ҳолларда тезлик билан мутахассис врачларга мурожаат қилиш ва беморни махсус шифохонада даволаш лозим. Агар касалликнинг олди олинмас, ингичка ичкаларда яралар пайдо бўлади. Бу пайтда беморга ўрнидан туриш, юриш умуман тақиқланади. Агар жисмоний ҳаракат кунайса, ичкадан қон кетади. Бу — тифнинг энг ёмон асорати бўлиб, ҳатто ўлимга олиб келиши ҳам мумкин. Тифнинг яна бир хавфли жиҳати — бу касаллик беморнинг оила аъзоларига, ён-атрофдагиларга ҳам юқиши мумкин.

Саломатлигингиз ўз қўлингизда

— Касаллик нимадан келиб чиқади?

— Ёз келиши билан аҳоли орасида очик хавзалардаги сувдан фойдаланиш кўпаяди. Сойлар, ариқ, анҳордаги сувлардан ичиш оқибатида қорин тифи таёқчаси сув орқали организмга киради. Айниқса, қишлоқларда сувни қайнатиб ичиш тавсия этилади. Чўмилганда ҳам бундан эҳтиёт бўлиш, яъни сув ўтмай чўмилиш керак. Агар оилда катталар болаларга қаердан сув ичиш, қаерда чўмилиш кераклигини тушунириб боришса, албатта, бу касалликнинг олди олинади.

— Қўнлар исиши билан овқатдан захарланиш ҳоллари кўп учрай бошлайди...

— Мева-чеваларни ювмасдан истеъмол қилиш, бир-икки кун қолиб кетган овқат, бузилган, айниган салат, яхши пишмаган

гўшти оватқатларни еб қўйиш — захарланишни келтириб чиқаради.

Захарланганда кўнгил айнаши, қусиш, ич кетиши, иштаҳа йўқолиши, иситма кўтарилиши кузатилади. Агар вақтида даво-

рлади. Юмшоқ нон ва меваларни бир-икки ҳафта истеъмол қилмай туриш керак.

— Ичбуруғ (дизентерия) касаллигига ҳам тўхтаб ўтсангиз...

— Меваларни, сабзавотлар ва кўкатларни яхши ювмай истеъмол қилишимиз бу касалликни юзага келтиради. Ичбуруғда ҳам беморнинг қорни қаттиқ оғриғи, ичи ўтади, уч-беш кунгача иситмаси кўтарилиб туради. Баъзан ваража тутиш ҳоллари учрайди. Бундай пайтларда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш зарур. Уйда даволаниш мумкин эмас, сабаби — ичбуруғ юқумли касаллик ҳисобланиб, бутун оила аъзоларига юқиши мумкин. Ҳар биримиз эътиборли бўлсак ва шахсий гигиенага риоя қилсак, дард биздан чекинади.

— Ёз ойларида кўпчилик чўмилишга, офтобда чиниқишга ошиқлади...

— Чўмилиш — соғлиқ учун жудаям фойдали. Лекин чўмилишнинг ҳам ўз вақти, қоидаси бор. Тоза сувда қондузи соат 9дан 11гача ва кеч соат 5дан кейин чўмилиш керак. Кун қизиган пайтда чўмилиш фойдали эмас.

Ультрафиолет нурлар ҳам эрталаб 8дан 11гача организм учун фойдали бўлади. Офтобда кунга 5-10 дақиқадан се-

кин-секин танани чиниқтириб бориш керак. Бош қисм ёпик бўлиши керак. Чиниқишни кунига 3-5 дақиқадан узайтириш лозим бўлади.

Агар офтобда узоқ ётилса, тери шикастланади. Кўпчилик спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, чўмилмоқчи бўлади. Ҳолбуки, спиртли ичимлик қон босимини кўтаради, офтобда юриш оқибатида эса бу янада кучаяди. Айримларда бунинг акси бўлиши, яъни қон босими бутунлай тушиб кетиши мумкин. Шунинг учун спиртли ичимлик ичиб, сувга тушиш, офтобда ўтириш мумкин эмас. Чўмилганда қорин жуда тўқ ҳам, оч ҳам бўлмаслиги лозим.

— Офтобда нима қилиш керак?

— Офтобда олдин чиниқмаган кишилар қуёш нури остида узоқ қолиб кетса, териси дастлаб қизаради, бадани ловуллаб, кейин иситмаси чиқади. Шундай ҳол юз берганда, терига махсус кремлар, облепиха (чақанда) ёғи, ҳеч бўлмаганда, ўсимлик ёғи ёки қатик суриш тавсия этилади. Ювинганда совунланмасдан илик сувда ювниш керак. Тери кўчаётганда жуда эҳтиёт бўлиш лозим, чунки бунда терига инфекция тушиш эҳтимоли юқори бўлади. Агар тери тезда тузалмас, шифокорга мурожаат қилиш керак. Асосийси, ҳар нарса меърида бўлса — мақсадга мувофиқдир. Унутманг, саломатлигингиз ўз қўлингизда!

— Суҳбатингиз учун раҳмат!

Шухрат НОРМУРОДОВ
суҳбатлашди

MUTAXASSIS MINBARI

Чекишни — наркомания (бангилик), тўғрироғи, токсикомания деб ҳисобласа ҳам бўлади. Чунки чекиш оқибатида соғлиқ тўла емирилади. Тамакиннинг зарарли моддаларини қабул қилиш организмнинг зарурий эҳтиёжига айланиб қолади. Ваҳоланки, тамаки чекиш зарурий эҳтиёж эмас, чунки организм бу захарларсиз ҳам яшай олади.

Чекишда ҳосил бўладиган зарарли моддалар ичида ис газини (углерод оксид) ниҳоятда захарли бўлиб, тамаки тунининг ўндан бир улушини ташкил этади. Ис газини қизил қон таначалари ксилородни ўпка тўқималарига ташувчи эритроцитларнинг хоссаларини кескин ёмонлаштиради.


Тамакинни кўп чекадиган кишида асаб тизими тез ишдан чиқади. 50-60 ёшда унда атеросклероз ривожланади, хотира, иш қобилияти йўқола боради, одам тез қарийди. Чекиш ҳозирги ривожланган жамиятда ўлимга асосий сабабчи ҳисобланган юрак-қон томир касалликларининг кўп учрашига ва бирмунча оғир кечилишига олиб келмоқда. Никотин буйрак усти ва эндокрин безларига таъсир этиб, қонда липидларнинг, жумладан, холестериннинг миқдорини оширади. Натижада холестерин кўп миқдорда томирлар ўзанида тўхтовсиз айланиб, қон томирлар деворларига ўтиради, фаол хужайралар ўрнини аста-секин бириктирувчи тўқималар тўлдирлади. Томир бўшлиғи тораяди, қон оқими қийинлашади, томирлар мўрт бўлиб қолади, уларнинг деворларидан тўқима зарарчилари осонликча узилиб чиқиб, қон томирига тикилиб қолади ва қон борманган юрак ёки бирорта органда оғир касаллик ривожланади.

Юракининг хатарли касаллиги — миокард инфаркт чекмайдиган одамларга қараганда чекадиганларда 12 марта кўп учрайди. Тахлил қилинганда, 40 ёшдан ошган кишиларда миокард инфарктига учраганларнинг ўн тандан тўққиз нафари чекувчилар эканлиги аниқланган. Чекув-

чиларда юракни озиклантирадиган томирлар — тож артериялар тез ишдан чиқади ва юрак мушагини қон билан таъминлай олмайди.

Чекувчиларда юрак-ишемик касаллиги авж олади, ўпкадан юракка ксилоруд етказиб бериш қийинлашади, пулс (юрак зарби) минутига 8-12 марта ортик уради. Юрак бир кеча-кундузда 15 минг марта беҳуда, унумсиз ишлайди. Артериал қон босими 140 миллиметрдан юқори бўлади. Бундан ташқари, ўпка ва бронхларда доимий сурункали яллиғланиш ўчоқлари юзага келади. Балғам-йиринг қисман сўришиб, танани захарлайди. Ҳаво ўтадиган йўлларда спазмлар ривожланиб, ҳаво ҳаракатини чегаралаб қўяди. Бу билан нафас олиш қийинлашади, ўпкада шовқинли, хуштакли, ғижғиллаган товушлар пайдо бўлади. Нафас етишмовчилиги авж олади, чунки ўпка ўзига ксилорудни олиб, уни қонга гемоглобин билан бирикшиши учун йўналтира олмайди. Сабаби — гемоглобин ис-

Яна бир марта чекиш ҳақида



роклари икки баробар кўп учрайди. АҚШ, Англия, Шотландия ва бошқа мамлакатлардаги психологлар чақалоқлик ёшидан то 7 ёшдаги болаларда кўп йиллар мобайнида ўтказилган тадқиқотларда ҳомилдор бўлгунга қадар, ҳомиладорлик даврида ва туғруқдан кейин оналари чеккан болаларнинг ақлий томондан қоқоқ бўлишини аниқладилар. Тамаки тутуниданли моддалар чақалоқнинг кейинги ўсишига, мияси ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, бола безовта бўлиб йиғлайди, кечалари ухломмайди.

Инглиз шифокорлари ҳам мураккаб ҳисоб-китоблар ва кўп сонли кузатувлар асосида чекишнинг умр кўриш давомийлигига таъсирини ўрганиб чиқилган: юзнинг қаримсиқ бўлиб қолиши, хусни йўқотиш, тишларнинг хунуқлашиши, товушининг хириллаб, йўғонлашиб қолиши, хотин-қизларнинг ўзига хос латтофатдан маҳрум бўлиши, кайфият ёмонлашиши, артериал қон босими ошиши туфайли бош оғриғи, юракда оғрик ва юрак ишининг бузилиши, иш қобилиятининг сезиларли даражада пасайиши, жинсий заифлик, рак билан касалланиш хавфи каби касаллик ва иллатлар шулар жумласидандир.

Шифокорлар ҳам маҳалларда учрашувлар ўтказиб, кенг оммага тамаки чекишнинг зарарлари тўғрисида тушунарли ишларини олиб боришлари шарт. Бу борада ёшларнинг онига тамаки чеккан одамда куч-қувват, чақонлик, ҳақиқий эркаклик фазилатлари йўқола боришини сингдириш керак.

Телман ПИРНАЗАРОВ,
олий тоифали шифокор

SPORT

ЖЧ-2006:



ШИДДАТЛИ БАҲСЛАР, ҲАЯЖОНЛИ ОНЛАР...

Жаҳон чемпионатининг иккинчи тур ўйинлари биринчи турдан фарқли ўларок, баъзи шов-шувли натижаларни келтириб чиқарди. Гана терма жамоасининг Чехия устидан галаба қозониши, АҚШ термасининг Италияни, Жанубий Кореянинг эса Франция терма жамоасини мушкул аҳволга солиб қўйиши, Аргентинанинг Сербия ва Черногорияга қарши суперўйини каби бир-биридан ажойиб баҳслар футбол мухлислариغا ҳаяжонли онларни тақдим этмоқда. Ўтаётган ҳафтада баъзи гуруҳларда баҳслар якунланиб, нимчорак финал иштирокчилари номи маълум бўлди. Қуйида ушбу баҳсларнинг натижалари ва турнир жадваллари билан танишишгингиз мумкин.



2-тур
Эквадор – Коста-Рика – 3:0
 Голлар: Тенорио, 8; Делгадо, 54, Каведес, 90.
Германия – Полша – 1:0
 Гол: Нойвилл, 90.

3-тур
Германия – Эквадор – 3:0
 Голлар: Клозе, 4; 44; Подолски, 57.
Полша – Коста-Рика – 2:1
 Голлар: Босацки, 33; 66 – Гомес, 25.

"А" гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
ГЕРМАНИЯ	3	3	0	0	9
ЭКВАДОР	3	2	0	1	6
ПОЛША	3	1	0	2	3
КОСТА-РИКА	3	0	0	3	0

2-тур
Швеция – Парагвай – 1:0
 Гол: Юнберг, 89.
Англия – Тринидад ва Табаго – 2:0
 Голлар: Крауч, 83; Жерард, 90.

3-тур
Швеция – Англия – 2:2
 Голлар: Олбэк, 51; Ларссон, 90 – Жо Коул, 34; Жерард, 85.
Парагвай – Тринидад ва Табаго – 2:0
 Голлар: Санчо, 25 (ўз дарвозасига); Куэвас, 86.



"В" гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
АНГЛИЯ	3	2	1	0	7
ШВЕЦИЯ	3	1	2	0	5
ПАРАГВАЙ	3	1	0	2	3
ТРИНИДАД ВА Т.З	3	0	1	2	1

2-тур
Аргентина – Сербия ва Черногория – 6:0
 Голлар: Родригес, 6; 41; Камбассо, 31; Креспо, 78; Тевес, 84; Месси, 88.

Голландия – Кот Д'Ивуар – 2:1
 Голлар: Ван Перси, 23; Ван Нистелрой, 27 – Конне, 38.

3-тур
Аргентина – Голландия – 0:0
Кот Д'Ивуар – Сербия ва Черногория – 3:2
 Голлар: Диндан, 37; 67; Калу, 86 – Жигич, 10; Илич, 20.



"С" гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
АРГЕНТИНА	3	2	1	0	7
ГОЛЛАНДИЯ	3	2	1	0	7
КОТ Д'ИВУАР	3	1	0	2	3
СЕРБИЯ ВА Ч.	3	0	0	3	0

2-тур
Португалия – Эрон – 2:0
 Голлар: Деку, 63; Кристиану Роналду, 80 (пен.)
Мексика – Ангола – 0:0

3-тур
Португалия – Мексика – 2:1
 Голлар: Манише, 6; Симау Саброза, 24 (пен.)
 Фонсека, 29.

Эрон – Ангола – 1:1
 Голлар: Бахтиёрзода, 75 – Флавиу, 60.

"Д" гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
ПОРТУГАЛИЯ	3	3	0	0	9
МЕКСИКА	3	1	1	1	4
АНГОЛА	3	0	2	1	2
ЭРОН	3	0	1	2	1

2-тур
Италия – АҚШ – 1:1
 Голлар: Жилардино, 22 – Заккардо, 27 (ўз дарвозасига).

Чехия – Гана – 0:2
 Голлар: Гян, 2; Мунтари, 82.

"Е" гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
ИТАЛИЯ	2	1	1	0	4
ЧЕХИЯ	2	1	0	1	3
ГАНА	2	1	0	1	3
АҚШ	2	0	1	1	1

2-тур
Япония – Хорватия – 0:0
Бразилия – Австралия – 2:0
 Голлар: Адриану, 49; Фред, 90.

"F" гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
БРАЗИЛИЯ	2	2	0	0	6
АВСТРАЛИЯ	2	1	0	1	3
ХОРВАТИЯ	2	0	1	1	1
ЯПОНИЯ	2	0	1	1	1

2-тур
Франция – Жанубий Корея – 1:1
 Голлар: Анри, 9 – Пак Чжи Сун, 81.
Того – Швейцария – 0:2
 Голлар: Фрай, 16; Барнетта, 88.

"G" гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
Ж.КОРЕЯ	2	1	1	0	4
ШВЕЙЦАРИЯ	2	1	1	0	4
ФРАНЦИЯ	2	0	2	0	2
ТОГО	2	0	0	2	0

2-тур
Украина – Саудия Арабистони – 4:0
 Голлар: Русол, 4; Ребров, 36; Шевченко, 46; Калининченко, 84.
Испания – Тунис – 3:1
 Голлар: Раул, 71; Торрес, 76; 90 – Мнари, 8.

"H" гуруҳи	Ў	Ю	Д	М	О
ИСПАНИЯ	2	2	0	0	6
УКРАИНА	2	1	0	1	3
ТУНИС	2	0	1	1	1
САУДИЯ А.	2	0	1	1	1

KIBERSPORT

ФАРҒОНАЛИКЛАР ПЕШҚАДАМ

Наманган шаҳридаги "О" компютер клубида 17-18 июн кунлари компютер ўйинлари бўйича туртинчи Ўзбекистон чемпионатининг худудий саралаш турнири бўлиб ўтди. Унда Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларидан 300га яқин геймерлар иштирок этди.

Муросасиз ўтган ушбу мусобақаларда фарғоналик геймерларнинг устунлиги сезилиб турди. Ўтказилган ўйинларнинг барчасида улар голибликни қўлга киритдилар.

Half-Life™: Counter-Strike 1.6 ўйинида 28та жамоа голиблик учун курашди. Фарғонанинг Улуғбек Рустамов сардорлигидаги Дилшод Муталиев (Voodoo), Маъруф Отажонов (medic), Алишер Абдуллаев (Rambo), Петр Чехонин (Ilu)лардан иборат "FCT" жамоаси ўз устунлигини намоён этди ва миллий финалда қатнашадиган бўлди.

StarCraft®: Brood War™ ўйинида Кўкон шаҳри вакили Сардор Аҳмеджоновнинг қўли баланд келди. У маҳоратини ишга солиб, бу ўйинда иштирок этган бошқа геймерларни орда қолдирди.

Need for Speed: Most Wanted ўйини бўйича Фарғона вилояти Қирғули шаҳридан Сардор Абдуллаев голиб деб топилди.

WarCraft®III: Frozen Throne ўйини ҳам қизгин ўтди. Фарғона шаҳридан Шахриёр Йўлдошев бу ўйинда барчани орда қолдириб, миллий финалда ўз кучини синаб қўриш ҳуқуқига эга бўлди.

Навбатдаги саралаш турнири 22-28 июн кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Шухрат ПАРПИЕВ,
 Наманган вилояти

Коллектив Ташкентского университета информационных технологий выражает глубокое соболезнование семье, близким и родственникам по поводу скоропостижной кончины старшего преподавателя кафедры Физвоспитания и спорта

ЧЕРНИКОВА Александра Николаевича

МУАССИС:
 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
 Иzzат АХМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
 Бахтиёр КУББЕВ
 Шомансур ОБИДУҲАЕВ
 Миродил САНГИЛОВ
 Рашидбек СУЛАЙМОНОВ
 Лutfило ТУРСУНОВ (маскула котиб)
 Асаджон ХУҲАЕВ
 Рустам ҚОСИМОВ
 Солиқдор ҚОСИМОВ

Тахририятга келган қўлма ва суратлар эгаларига қайтарилмайдми.
 Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлашиши мумкин.
 Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
 Тижорий материал — 0.
 Реклама матнларининг тўғрлигини тахририят жавобгар эмас.
 Рақам ва дилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъуладир.
 Газетани таъёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Манизилнинг: 700060, Тошкент-60,
 Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манизил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Ахборот хамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи:
А. БҮРИЕВ.

Матн терувчи:
Д. МАТҚУРБОНОВА.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Жамоатчи мухбирларимиз:	Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчада	Фарғонада	Қаршида
	46-47-80	226-22-14	40-12-19	226-26-96	222-56-30	226-61-85	222-14-63	34-06-71	224-06-12	133-36-48	226-43-13	226-87-71	23-04-89

Боснига тоширилади — 20.00. Боснига тоширилиши вақти — 20.00.

Бир куни ҳамкасбимиз...

Журналистлар хизмат тақозоси туфайли халқ орасида, сафарда кўп бўладилар. Уларнинг ҳаётида ҳам ҳазил-мутойибага мойил воқеалар тез-тез учраб туради. Куйидаги кичик лавҳалар — ҳамкасбларим ҳаётида учраган айрим ҳангомалардир.

Нега ўқрайди?

Газетамизнинг масъул котиби Фахриддин Калонов бир куни газетанинг чоп этилиши кеч тугаганлиги учун, уйига ярим тунда қайтибди. Аммо эртасига бир дўсти билан муҳим масала юзасидан учрашишга келишиб қўйган экан. Ноилоҳ уйкуни чала қилиб, яна барвақт ишхонага келади. Дўсти билан учрашиб, тушликда ошхонада овқатланмоқчи бўлади. Бир коса ош олиб, столга қўйгач, чой ва нон олиб келгани боради. Асаблари чарчаган, хаёли паришон Фахриддин нон-чоини олиб келиб, столда турган ошни паққос туширади. Қорни тўйиб, мириқиб чой ича бошлагач, чор-атрофдаги хўрандаларга ҳам кўз югуртиради. Шунда қаршисидаги столда ўтирган бир нотаниш одам унга ўқрайиб-ўқрайиб қараётганини сезиб қолади. Ичида "Бу одам нега менга ўқрайди, арпасини хом ўрдимми?" — деб ўйлайди-ю, бошқа унга кўпма эътибор бермайди.

Овқатланиб бўлгач, ҳисоб-китоб учун официант кизни чақиради. Шунда официант киз:

— Амаки, сиз бошқа бировнинг овқатини еб қўйдингиз, сизники ана турибди, — дейди.

Фахриддин ўзининг қосаси нариги столда шундоққина турганини кўриб, адашиб,

бошқа бировнинг овқатини еб қўйганини ва бояги одамнинг нега ёмон кўз билан қараётганини сезиб, уялгандан ошхонадан қандай чиқиб кетганини билмай қолади...

Нафсим курсин...


Фотомухбир Бахтиёр Акрамов очик-кўнгил, ҳазилкаш йигит. Овқатга иштиёқи баландлигидан бўлса керак, ўзи ҳам дўмбоққина. Очликка сабри йўқ.

Бир куни уни тезлик билан Томди туманидаги бир донгдор чўпоннинг сувратини олиб келиш учун хизмат сафарига жўнатишибди. Манзил олис, бунинг устига йўллар нотекис экан, 5-6 соат ўнқир-чўнқир йўлларда юравериб, таъзирини еб, қолаверса, роса очикқан Бахтиёр чўпоннинг отари турган жойга етиб боргач, салом-алиқдан сўнг, қозоқ чўпонга қараб:

— Кўке, ненг бўса алиб шик, қарин очди! — дебди.

Унинг олдида тезда дастурхон ёзишиб, ёғда қотирилган сур гўшт билан нон қўйишибди. Бахтиёрнинг иштаҳаси қарнай эмасми, қўйилган катта товоқдаги гўштни паққос туширибди.

Орадан бир соат ўтган, қорнида пайдо бўлган қаттиқ оғриқдан вой-войлашга тушибди. Мезонлар меҳмонга нима бўлди деб, қўриқиб кетишибди, уни тез-



лик билан машинада туман марказидаги касалхонага олиб боришибди.

Аслида Бахтиёр йўлда узок йўл юрганидан ва машинанинг силкинишларидан ошқозон ва ичаклари бўшаб қолган, тановул қилган қуруқ нону қаттиқ гўшт ичакларида тикилиб, қорнида қаттиқ оғриқ кўзгаган экан.

Тўрт кунда қайтиб келаман деган Бахтиёрдан ҳам, расмлардан ҳам дарак йўқ эди. Ун кундан сўнг шифохонада ётган Бахтиёр тахририятга кўнғироқ қилади:

— Нафсим курсин...

Сочилиб кетмасин

Хозирги кунда иқтидорли журналист сифатида танилган "Заковат"чи ҳамкасбимиз — ўта ишонувчан инсон Рустам Жабборов эндигина ўқишни тугатиб, тахририятга ишга келганида, соддагина йигит эди.

Ўша вақтлари тахририятларда ёзув машинкалари ўрнини компьютерлар эгаллай бошлаган, газетани саҳифалаш ишлари ҳам тахририятнинг ўзида амалга ошириляётган эди.

Масъул котиб газетанинг навбатдаги

сонини саҳифалаб, дискетга ёзиб, босмахонага олиб бориш учун навбатчи Рустамнинг қўлига беради.

Босмахонадагилар дискетни текшириб кўриб, техник нуқсонлари борлиги учун Рустамга "Бориб масъул котибга айт, матнлар сочилиб кетибди", дейди.

Рустам тахририятга келиб, дискетни топшириб, уларнинг сўзини етказди. "Сочилиб кетган" атамасини яхши тушунган масъул котиб саҳифаларни қайтадан ёзиб, дискетни Рустамга тутқзади.

Шунда Рустам:

— "Сочилиб кетган" дегани нима? — деб сўрайди.

Масъул котибнинг шумлиги тутиб:

— Сен дискетни қандай қилиб олиб бординг? — дейди.

— Чўнтагимга солиб, — жавоб беради содда Рустам.

— Демак, чўнтагингда сочилиб кетган, уни қўлда маҳкам ушлаб олиб боришинг керак, шунда сочилмайди.

Рустамбек дискетни икки қўлида маҳкам, авайлаб тутганича, босмахонага йўл олади...

Абдуразоқ КАРИМОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг
ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ
гурухи раҳбари

ЯНГИ ТЕЛЕФОН АППАРАТИ СОТУВДА

"East Telecom" қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган
ET-2005N телефон аппарати сотувга чиқарилди.

Умумий фойдаланишга мўлжалланган ушбу телефоннинг асосий
техник тавсифлари қуйидагича:

1. Рақамнинг импульсли терилиши;
2. Рақамнинг частотали терилиши;
3. Терилган ҳар бир рақамни узатиш вақти 40 мс дан кам эмаслиги;
4. RD — охириги терилган рақамни автоматик тарзда қайта териш хизмати мавжудлиги;
5. HF — телефон гўшагини кўтармасдан АТС сигналларини қабул қилиш ва абонент билан сўзлашувни амалга ошириш хизмати мавжудлиги;
6. FLASH — АТСдан келаётган сигнални рад этиш имконияти;
7. Икки товушли чақирув акустик сигнали ҳамда товуш даражасини сошлаш имкониятлари;
8. Қабул қилиш ва узатишни кучайтириб бериш мосламаларининг мавжудлиги.

ET-2005N телефон аппаратининг хизмат қилиш муддати 10 йилдан кам эмас. Ишлаб чиқарувчининг кафолати — 12 ой.

Нархи — 15 700 сўм. Нақд ва пул ўтказиш йўли билан сотилади. Телефон аппаратини "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АКнинг "ТЕЛЕКОМ ТАЪМИНОТ ХИЗМАТ" шўба корхонасидан сотиб олишингиз мумкин.

ПРОДАЁТСЯ ТЕЛЕФОННЫЙ АППАРАТ ET-2005N

Основные технические характеристики:

1. Импульсный набор номера абонента.
2. Период импульсов набора (100:5)мс.
3. Импульсный коэффициент 1,5.
4. Пауза между двумя сериями импульсов 800 мс.
5. Частотный набор номера абонента.
6. Частоты в соответствии с ГОСТ 7153-85.
7. Время посылки сигнала каждой цифры не менее 40 мс.
8. Режим RD — автоматический повтор набора последнего набранного номера.
9. Режим HF — громкоговорящий приём сигналов АТС и ответ абонента без поднятия телефонной трубки.
10. Режим FLASH — отбой АТС.
11. Двухтоновый вызывной акустический сигнал с регулировкой уровня громкости.
12. Встроенные усилители приёма и передачи.
13. Средний срок службы — не менее 10 лет.
14. Гарантийный срок — 12 месяцев.

Телефонные аппараты можно приобрести за наличный расчёт, а также по перечислению. Цена — 15 700 сум.

Дочернее предприятие АК "О'ЗБЕКТЕЛЕКОМ" — "ТЕЛЕКОМ ТА'МИНОТ ХИЗМАТ" сообщает, что на базе предприятия имеется в наличии следующая продукция по ценам заводов — поставщиков:

1. Диэлектрические коврики	8880 сум
2. Фартуки спец.типа	9480 сум
3. Боты диэлектрические	32400 сум
4. Монтерские пояса	35000 сум
5. Ремни к котлям	10512 сум
6. Огнетушители ОУ-3	42000 сум
7. ОП-4	22000 сум
8. Муфты разные до 200х2	500 сум
9. Телефонные аппараты ET2005N	15700 сум

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темура кўчаси, 24-уй.

Телефонлар: (998 71) 136-36-27, 139-23-42, 139-23-37.